













Қағриятларимиз

ШОМУРОДОВЛАР

Самарқандга борган бўлсангиз, мабодо Булунгур ариғига бир назар ташлаб ўтганмишсиз? Э, ариқ ҳам шунақа буралиб-буралиб оқармикан, деб қолсангиз.

Тўғри, кесиб оқиб кетишига ҳеч нарса монелик қилмайдиган сувнинг лойқа бўлиб оқишига эҳтимол сабаб шундир. Буни агар шортбаат кишилар кўрса, Булунгур ариғини ҳайта ўхшатиши табиий. Чунки ҳаётда тўғри йўл намдан-нам бўлади... Мен аввалгига «Булунгур» сўзининг маъноси бурулгул бўлгандир, сўз бузилиши туфайли «Булунгур»га айланиб кетган бўлса ажаб эмас, деган хаёлга бордим. Лекин мен ўйлаган нарса хато экан. Самарқанд давлат дорилфунунининг ўқитувчиси, тарихчи олим Мехринисо Шомуродова унга аниқлик киритди:

— Бу ном мўғулча Булунгур сўзидан келиб чиққан, лойқа сув деган маънони билдиради. Зарафшоннинг энг қадимий ариқларидан... Олиманинг сўзлари чин. Миллодан аввал қазилган бу ариққа Чингизийлар ном бериб кетган бўлса ажаб эмас. Булунгур ва Поиариқ райони хўжаликларига обиҳаёт етказиб берадиган бу ариқ ёқасига экин эккан хўжаликлар мўл ҳосил олишларига асос бор. Чунки Булунгур ариғи ўзи билан бирга жуда кўп ўғит ва оёва сувларни олиб келади. Табиатнинг ўзидай бой ва тўйинган суадан ичган экин ўғитга зор бўлмайди...

Шу ариқдан сал ўтсангиз Булунгур шаҳрига кириб борасиз. Бу шаҳар илгари Красногвардейский номи билан юритилган. Булунгур райони маъмурий марказининг булдир номи ўтказиб қўйилган. Бу шаҳарнинг асосини ташкил қилган «адолат» ўрнатқоғчи бўлиб кетганларнинг номи тўқилиши шарафига қўйилган экан. Катта ўзбек йўли ёқасида уларга ёдгорлик ҳам ўрнатилган. Ёдгорликда ўн теккан шапқали қизил аскар йиқилган, уни эса маҳаллий аҳоли суяб тургани экан экан, Э, бу ҳайкал тарошлар нималарни экан эрттирмайди, дейсиз. Энди уларни олиб ташлаш қошни осон бўлса... Самарқандга кираверишда Чўпонота тепалиғига Туркистонни қонга ботирган оқ подшоғин аскарларига қўйилган ёдгорликни олайлик. Уни олиб ташлаш ҳақида қандайдан-қанда гап бўлмайди. Лекин ўшани ўрнидан қўзғатадиган бирорта мард топилмапти. Халқку, ҳукмини чиқарди. Уни бажариш учун бунча имиллашаркин-а...

Ҳамроқим, Булунгур шаҳар ҳокими Абдусаттор Жадиловдан энг ибратли оила ҳақида «Вазоғи» эналгинини айтганимда ҳикоямиз мунданмасида тилга олинган олимани яшайдиган Шомуродовлар қонадонига бошлади.

— Шаҳримизда 25 минг нафардан ошқ аҳоли истиқомат қилади, — таништириди Абдусаттор ака. — Мана мустақиллик туфайли шарқона биволар қуралмиш. Илгарилари ташландиқ бўлиб ётган жойларга савдо дўноқлари растасини қурдик. Улардан биринчисини Ҳасан Алиев шахсий наамгармаси ҳисобига кўриб фойдаланишга топширдик. У ҳозир халқимизга хизмат қилапти. Қўчаларнинг номини ҳам ўзгартирилди. Биринчи навбатда шаҳримиз раваннига ҳисса қўшган булунгурликларнинг номини қўйдик. Мана бу эса Очилбой Шомуродов номи кўча...

Шаҳар ҳокими менга марҳум Шомуродов ҳақида қиссача сўзлаб берди. Улуғ Ватан уруши катташисини, Самарқанд шаҳри тартибни сақлаш хизматида активист широн этган, Красногвардейский кўрғони юроқуми раиси, район коммунал хўжалиги бошлиғи... Очилбой ота 1990 йилда оламдан ўтдилар. Лекин

унинг тартибли, бошқаларга ўрнатқоғчи бўладиган оилага асос солиб кетгани шундайгина кўришиб кетганиди. У киши билан бир ёқтиққа бош қўйган рафиқаси Робия она 7 баҳорини қарши олмоқда. 7 нафар фарзандни боқиб тарбиялаган онанинг 20 дан ошқ неваралари бор. Юзга нурунийлик, турмушдан мамнунийлик ёйлиб турган онанинг сўзларини тинглаш жуда мароқли.

— Қараг-а, Наврўзимзини, Қурбон ва Рўза ҳайитларимизни қайтариб олдик. Эскича расм-русумларимизни ҳеч ҳайқмай ўтказаямиз. Болаларнинг отаси шу кунларни кўрмай кетганига бироз ачинаман. Мана ўзи кўрмаса, болалари кўрапти, илоҳим имонини берсин...

Робия онанинг дуога қўтарилган қўллари чинакам меҳнаткаш аёлнинг илки эканини айтмасам бўлмайди. Мана шу қўллар неча маротаба кунига дуо учун очилар экан... Эҳ, бизнинг ўзбек аёлларимиз шукрона айтишни билади. Боласини тарбиялай олади, бугунги кунда ўзбек фарзандларининг шукрати ҳақида сўзлар эканмиз Робия она сингаларини эсдан чиқармайлик!

Робия она фарзандлари ҳақида сўзлар экан, Самад акани оғиздан бол томиб гапирди. Самад Шомуродов ҳам Самарқанд кишлоқ хўжалик олийгоҳини тугатган. Бир неча йилдирик, шу соҳада ишлапти. Республикаимиз мустақил бўлиб халқаро муносабатларга йўл очилгач, кичик корхона ташкил қилди.

— Иркутский шаҳри паррандабоқарлари билан ҳамкорликда жўна очирадиган мўжазгина завод очдик, — дейди Самад ака. — Заводимиз район ва вилоят хўжаликларига сермахсул жўна етказиб беради. Жўнолар келтирилган, шу йилдан бошлаб маҳсулот чидара бошлаймиз. Ахир халқимизга парҳезоб маҳсулот керак-да. Самад ака билан суҳбатлашиб мустақил халқ учун очилаётган имкониятлар ҳақида ўйлаб қоласан. Талбиркор, уздабурро рақбарлар келажакда халқимизга дастурхонини ноз-неъматлар билан сероб қилиши керак. Уларда бунга имконият ва билим бор. Андозага зор эмасмиз.

Шомуродовлар оиласиданги ҳар бир фарзанд ҳақида хоҳлаганча илқ гаплар айтиш мумкин. Оилага 4 нафар келин тушган. Тинчотув умр кечирини шу оиладан ўрганса арзийди. Ҳамма нарса тартибли, шаҳар ҳокимлиги уларни мисол қилиб кўрсатишлари бежиз эмас экан. Очилбой Шомуродов номли кўчада жуда кўп аҳоли истиқомат қилади. Маҳалла қўмитаси у ерда ибрат бўларли ишларни амалга ошироқда.



Мен Очилбой Шомуродов туфайли у яшаб ўтган жой фарзандлари ҳақида фикрлар айтишга ҳаракат қилдим. Зеро, халқ бахти учун курашганларнинг бошқаларга ибратли кўп бўлади.

П. ТОЖИВОВ.

ЭЪЛОНЛАР



Япониянинг "TOMEN CORPORATION" савдо фирмаси "JUKI" фирмаси билан ҳамкорликда 22 мартдан 26 мартгача Япониянинг етакчи "JUKI" фирмасида ишлаб чиқарилган тикувчилик саноат жиҳозларининг махсус кўргазмасини ўтказди. Кўргазмада турли хил матоларнинг намуналари ҳам намойиш этилади.



Кўргазма ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 12. "Паризот" тикувчилик бирлашмаси (Россия) меҳмонхонасининг ёнида).

Кўргазмани ўтказиш даврида тикувчилик ишлаб чиқаришини йўлга қўймоқчи ёки тикувчилик цехи очмоқчи бўлган ва бунинг учун валюта ёки айирбошланадиган пахта толасига эга бўлган корхоналарнинг мутахассисларига Москвадаги "JUKI" техник марказининг ходимлари ва фирманинг мутахассислари маслаҳатлар беради.

«Саёҳат» туристик комплекси тугатилди. Барча даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қўйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Буюк Ипак йўли кўчаси, 115. Телефон: 67-53-74.

"А.Л.Ч.А.-Ltd"

фирмаси қисқа муддат ичида Сизнинг Украина ва Белорусия ҳудудидаги молиявий муаммоларингизни ҳал қилади. Мордовияда қарзи бўлган Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги корхоналар бизга мурожаат қилишлари керак.



Телефон - (3712) 62-80-36
Факс - (3712) 62-91-52
Телетаип - 116 480 КВАНТ

ОЛМАОТАДАГИ ТАШКИЛОТ МАШХУР

"Форд-Таурус"

/АҚШ/

маркадаги, 1990 йилда ишлаб чиқарилган ва жуда яхши ҳолатдаги, суперолонли автомобилларни пул ўтказиш йўли билан 10.000.000 сўм+500.000 сўм нақд пулга сотади. Бизнинг автомобилларимиз бошланғич синовлар ҳамда сотишдан аввалги тайёргарликлардан Торонто (Канада) шаҳридаги фирма хизмат кўрсатиш станцияларида ўтказилган.

Жаноблар шошилинг, ўз имкониятингизни қўлдан берманг!

Олмаота шаҳридаги телефонларимиз: /3272/44-75-22 Телеракс: /3272/45-78-65



Ўзбекистон Республикаси Мелнорация ва сув хўжалиги вазирлиги жамоаси «Наманганирқурилиш» трестининг бошқарувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ирригатор

Набижон ТУРҒУНОВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жамоаси Алишер Рўметов ва Саломат Рўметовга акаси

БАҲОДИРнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

● МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ГСП
Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй.

● Тахририятга ҳажми 7 қоғоздан ошган материаллар қабул қилинмайди. Фойдаланилмаган мақолаларга эъза жавоб қайтарилмайди.

ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО



● ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64608.

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖУРАБОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдунаби БОЙҚЎЗНЕВ, Эсирган БОЛИЕВ [масъул котиб, «Халқ сўзи», Эрини ВОҲИДОВ, Миралмал МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Лев ПАК [бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово», Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қулахмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ [масъул котиб, «Народное слово», Шавкат ЯҲҲЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Мухаммадjon ҚОРАБОВ, Сандахрор ҒУЛОМОВ.